

## ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН КРИПТО-АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Зокиров Ботиржон Пулатхужаевич

Мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14868873>

**Аннотация.** Мақолада крипто-активлар билан муомала қилишига оид жиноятлар, амадаги қонунчиликка асосан крипто-маконда жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масалалари, қонучиликка киритилган ўзгартириши ва қўшимчалар, жиноий фаолиятдан олинган крипто-активларни қайтаришининг процессуал жиҳатлари тартига солиш механизmlари, бу борадаги муаммолар кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** ахборот-коммуникация технологиялари, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, крипто-актив, криптовалюта, процессуал механизм, мулк, мулкий ҳуқуқ.

## ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ВОЗВРАТА КРИПТОАКТИВЫ, ПОЛУЧЕННЫЕ ОТ ПРЕСТУПНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В статье рассматриваются преступления, связанные с обращением с криптоактивами, вопросы ответственности за совершение преступлений в крипто-пространстве в соответствии с действующим законодательством, изменения и дополнения в законодательство, proceduralные аспекты возврата криптоактивов, полученных от преступной деятельности, механизмы регулирования, проблемы, связанные с этим.

**Ключевые слова:** информационные и коммуникационные технологии, Уголовный кодекс, Уголовно-процессуальный кодекс, Кодекс об административной ответственности, криптоактив, криптовалюта, процессуальный механизм, собственность, имущественное право.

## PROCEDURAL ASPECTS OF THE RETURN OF CRYPTO ASSETS OBTAINED FROM CRIMINAL ACTIVITY

**Abstract.** The article discusses crimes related to the handling of crypto assets, issues of responsibility for crimes in the crypto space in accordance with current legislation, amendments and additions to legislation, procedural aspects of the return of crypto assets obtained from criminal activity, regulatory mechanisms, and related issues.

**Keywords:** information and communication technologies, The Criminal Code, the Code of Criminal Procedure, the Code of Administrative Responsibility, cryptoactive, cryptocurrency, procedural mechanism, property, property law.

---

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бироқ айрим шахслар томонидан замонавий рақамли технологиялар ютуқларидан қонунга хилоф равища ҳамда ғаразли мақсадларда фойдаланилиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмоқда ҳамда давлатга зарар етказилмоқда. Бу рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишини тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 19.01.2024 йилдаги ЎРҚ-899-сон «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қонуни билан бир қатор норматив-ҳуқуқий хужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди(1).

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мобиль қурилманинг ҳалқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равища ўзгартирганлик, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ва майнинг фаолиятини қонунга хилоф равища амалга оширганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди (ЎзР МЖтК 155<sup>3</sup>, 155<sup>4</sup> ва 155<sup>5</sup>-моддалари)(2). Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жабрланувчининг ахборот ресурсларини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш йўли билан товламачилик қилганлик, шунингдек крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ва майнинг фаолиятини қонунга хилоф равища амалга оширганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (ЎзР ЖКнинг 165, 278<sup>8</sup> ва 278<sup>9</sup>-моддалари) (3).

Шу билан бирга ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига дастлабки терговни ва суриштирувни амалга оширувчи орган

аниқлаштирилишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилди (ЎзР ЖПКнинг 345-моддаси) (4).

Мазкур қонун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятларнинг олдини олишга ҳамда содир этиладиган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка асосан мазкур соҳадаги қонунбузишилар учун жавобгарлик чоралари белгиланган бўлса-да, лекин ноқонуний фаолият натижасида олиниб, криптовалюталарга айлантирилган активларни қайтаришнинг процессуал тартиби йўлга белгиланмаган. Миллий жиноят процессуал қонунчиликда мазкур ҳолатлар тартибга солинмаганиги сабабли, жиноят предмети бўлган криptoактивларни хатлаш амалиёти амалга оширилгани йўқ. Шунга қарамай, миллий жиноят-процессуал кодексида жиноятга алоқадор мол-мулк ва бошқа даромадларни хатлашнинг умумий қоидалари мавжуд (ЎзР ЖПКнинг 5-бўлими).

Шуни таъкидлаш керакки, миллий фуқарлик қонунчилиги бўйича криptoактивларни мулк исфатидаги мақоми белгиланмаган. Лекин, айрим давлатлардан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикасининг 19.01.2024 йилдаги ЎРҚ-899-сон “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунига муфовиқ, ЎзР Жиноят кодексининг 8-бўлимига криpto-актив атамаси киритилиб, унга кўра, **криpto-актив** — маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йигиндисини ифодалайдиган, қиймати ва эгасига эга бўлган мулкий ҳуқуқдир(5).

Таърифдан кўриш мумкинки, криpto-актив бу мулкий ҳуқуқ. Ушбу мавзу бўйича мунозаралар нафақат жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам кўплаб кузатилмоқда.

Илмий доираларнинг қайд этилишича, криptoактивлар ва анаънавий пул ўртасидаги асосий фарқ фақат уларнинг пайдо бўлиш усули ҳисобланади(6). Криpto-актив тушунчаси қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, амалда уни мусодара қилиш имконияти мавжуд эмас. Қонунчиликка кўра мулкий ҳуқуқларни чеклаш мумкин. Криptoактивлар тўлов, инвестиция ва жамғармаларни тўплаш воситаси сифатида ишлатилаётганлиги, яъни улар моддий қийматга эга эканлиги боис, мулк сифатида тан олиниши лозим.

Шундай қилиб, крипто-активларни мулкий тасарруф этиш қиймати мавжудлиги сабабли, уларни хатлаш масалаласини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Чунки, ЎЗР ЖПКнинг 290-моддасига асосан жиноят натижасида етказилган моддий заарни қоплаш мақсадида, жиноятга оид моддий қийматга эга нарсалар хатланади. Шундан келиб чиқиб, крипто-активларга нисбатан бундай амалиётнинг техник усули ҳақида савол туғилади.

Миллий қонунчиликдан келиб чиқиб, амалиётга кўра, крипто валютани хатлаш суд қарорини олгандан сўнг амалга оширадилар. Шундай қилиб, хатлашда пул маблағларини конвертация қилиш дастурларини ўз ичига олган айбланувчиларнинг mobil телефонларига ёки ноутбукларига юкландиган ҳолатлар мавжуд. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, бошқа ҳолатда эса терговчи криптовальютани миллий валъютага конвертация қилиб, кейин хатлаши мумкин(7).

Криптовалюталарни халашда барча илмий ёндашувлар мавхумдир, чунки мулкни хатлашда, даставал фуқаролик даъвоси киритилиши, шундан кейин бошқа мулкий мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, телефонылар, ноутбуклар ва бошқа электрон қурилмалар хатланганда мол-мулкни хатлаш функцияси бажарилмайди.

Шунга қарамай, ушбу ёндашув мол-мулкни тергов ҳаракати ёки процессуал мажбураш чораси сифатида хатлашнинг хуқукий табиати тўғрисида узоқ вақтдан бери мунозара бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, бугунги кунда мулкни хатлашнинг турли йўллар билан амалга оширилаётганлиги сабабли, қонун чиқарувчи крипто валютани хатлашнинг тартибга солишининг қайси моделини танлашини ҳал қилиши керак. Бу унинг процессуал хусусиятини аниқлади. Схематик равишда, интернетга уланиш босқичида криптокошелкаларнинг қуидаги турларини ажратиш мумкин:

а) иссиқ ҳамён — доимий интернетга уланган иссиқ крипто ҳамён. Бундай ҳолда, айланма ҳам марказлаштирилган биржалар, ҳам марказлаштирилмаган биржалар орқали бўлиши мумкин. Марказлаштирилмаган биржаларда воситачи, ягона назорат мавжуд эмас, шунинг учун улар сайтда рўйхатдан ўтишни талаб қилмайди. Айнан валютани хатлашни амалга ошириш, унинг айланмаси марказлаштирилмаган биржалар орқали амалга оширилади;

б) совуқ сақланувчи кошелек — совуқ сақлаш, яъни интернетга доимий алоқаси бўлмаган крипто ҳамён. Шахсий калит химояси остида оффлайн валютани сақлашни назарда

тутади(8). Буларга, масалан, flesh-дискка ўхшаш алоҳида қурилмада сақланадиган аппарат крипто сумкаси киради.

Шундай қилиб, иш бўйича ваколатли шахс криптовалютани хатлаш учун ҳамёнга шахсий калит (парол) бўлиши ёки криптобиржага сўров юбориши керак. Биржадан ташқари валюталарда бу масала очик қолмоқда.

Мавжуд, аммо кам сонли амалиётларни таҳлил қилиш асосида крипто-валюталарни хатлашни жиноий процессуал тартибга солишнинг қуидаги моделлари мумкин:

- оддий;
- хусусиятларни тахмин қилиш орқали;
- фавқулодда;
- аралаш.

Оддий модел. Бундай ҳолда, Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасида назарда тутилган умумий қоидалар криптовалюталарни ҳисбга олиш учун қўлланилади.

Ушбу масалага бағишлиланган Жиноят-процессуал кодексига қонун чиқарувчи томонидан жиддий ўзгаришлар киритилмайди. Терговчи судга бошқа мулк турлари билан бир хил тарзда суд томонидан кўриб чиқиладиган криптовалютани хатлаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор билан мурожаат қиласди. Умуман олганда, ушбу ёндашувни ҳозирги пайтда амалда деб таъкидлаш мумкин. Шунга қарамай, крипто-валюталарни хатлашнинг маҳсус тартибини яратиш лозим. Бундан ташқари, ушбу ёндашув криптовалюталарнинг ҳар хил турларини ҳисобга олмайди. Шундай қилиб, бу совук ҳамёнлар учун етарли бўлади.

Хусусиятлар тахмин қилиш орқали. Ушбу модел Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасида белгиланган умумий қоидаларга амал қиласди. Бироқ, Жиноят-процессуал кодексида криптовалютага хос бўлган баъзи хусусиятлар ҳам тақдим этилади. Масалан, маҳсус модда криптовалютанинг юқори ўзгарувчанлиги, мол-мулки хатланган шахсга нисбатан муносабатни белгилаш, шунингдек уни сақлаш билан боғлиқ ҳолатларни (масалан, маҳсус ҳисоб рақамига юбориш орқали) ўз ичига олиши мумкин. Умуман олганда, ушбу ёндашув энг мақбул кўринади, аммо у марказлаштирилмаган биржада сақланадиган (яъни ҳисобни рўйхатдан ўтказишни талаб қилмайдиган) криптовалютасини хатлашни ҳисобга олмайди.

Фавқулодда модел. Бундай ҳолда, криптовалютани халаш бошқа мажбурлов чораларидан ташқарига чиқарилади, аслида мажбурлов чораси ва тергов ҳаракати ўртасида

бўлади. Агар криптовалютани одатдаги усуллар билан хатлашнинг иложи бўлмагандан, улар криптовалютани нақд пулга айлантириш учун тергов тажрибасидан фойдаланадилар, шундан сўнг улар хатланади. Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий амалиёт аллақачон бундай йўлдан бормоқда(9). Шу билан бирга, бундай манипуляциялар учун тергов ҳаракати билан боғлиқ мавжуд институтдан фойдаланиш аниқ нотўғри кўринади. Бу тергов ҳаракатининг когнитив ва тасдиқловчи хусусиятига зиддир, унга кўра тергов ҳаракатлари қаторига фақат когнитив мақсадга эришишга қаратилган ҳаракатларни киритиш мумкин (10).

Аралаш модел. Ушбу ёндашув комплекс бир вақтнинг ўзида бир нечта моделлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг зарурати турли хил криpto-валюталарни ўз ичига олган турли хил ахборот воситалари билан боғлиқ. Бундан ташқари, криптовалютани конвертация қилиш бўйича ҳаракатлар фақат ихтиёрий ҳарактерга эга бўлиши аниқ, шунинг учун фақат фавқулотта моделга амал қилиш мумкин бўлмайди.

Илмий доираларнинг фикрига кўра, конвертацияни янги мажбурлов чораси сифатида киритилиши мақсадга мвофиқ ҳисобланади. Криптовалютани расмий айланмада қабул қилинган нақд пулга айлантиришга қаратилган ҳаракатлар батафсилроқ ўрганилиши лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари криптовалютани нақд пулга айлантириш учун тергов ҳаракатларидан фойдаланганда ишлайди. Тергов ҳаракатларининг асосий мақсади далилларни тўплаш. Процессуал мажбурлаш чораларига нисбатан бундай талаб йўқ, чунки уларни амалга оширишда далиллар тўпланмайди. Айнан процессуал мажбурлаш чоралари жиноят процесси иштирокчилари томонидан уларнинг процессуал мажбуриятларини бажаришга ёки ушбу мажбуриятларни бажаришдан қочишнинг олдини олишга қаратилган бўлса- да, бу ҳолда-шахснинг мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари, кейинчалик мусодара қилиниши мумкин, шунингдек унинг ҳисобидан жиноий иш доирасида фуқаролик даъвоси бажарилиши мумкин.

Шундай қилиб, айни вақтдаги илимий доиралар қонун чиқарувчидан Жиноят-процессуал кодексига криpto-валюталарни хатлаш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритишни сўрайди, чунки улар замонавий дунёда кенг тарқалиб бормоқда.

## REFERENCES

1. <https://lex.uz/docs/6763724>;
2. <https://www.lex.uz/acts/97664>;
3. <https://www.lex.uz/acts/111453>;
4. <https://lex.uz/acts/111460>;
5. Атамалар // <https://www.lex.uz/acts/111453> ;
6. Гультьяев Д. О., Литвинов А. С. Поймай меня, если сможешь // Закон и право. — 2019. — № 3. — С. 154–157;
7. Тисен О. Н. Особенности доказывания легализации доходов, полученных в результате незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ, с использованием криптовалют // Уголовное право. — 2022. — № 5;
8. Насонов С. А., Максимова Т. Ю. Уголовно-процессуальные гарантии права обвиняемого не свидетельствовать против себя самого: анализ проблем судебной практики при рассмотрении дел в общем порядке и в суде присяжных // Право и политика. — 2015. — № 11. — С. 1618–1622. — DOI: 10.7256/1811-9018.2015.11.16648.;
9. Искандиров В. Б. Наложение ареста на имущество в уголовном процессе : дис. ... канд. юрид. наук. — Челябинск, 2012. — 109 с.;
10. Соловьев А. Б. Система следственных действий как средство уголовно-процессуального доказывания (проблемы уголовного процесса и криминалистики) : науч.-метод. пособие. — М., 2006. — 559 с.